

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МЕДИАТАЪЛИМ ЮТУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ



Барно БЕРДИЕВА
катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада чет тилларни ўргатишда ахборот технологиялари, интернет манба-материаллари ва медиатаълим ютуқларидан фойдаланишнинг роли ўрганилган. Ахборот технологиялари ва хорижий тилдаги сайтлардан олинган материалларнинг тил ўргатиш машғулотлари самарадорлигига таъсири таҳлил этилган.

Аннотация

В статье рассматривается роль информационных технологий, использование интернет-ресурсов и преимущества медиаобразования в обучении иностранным языкам. Проанализированы результаты анализа эффективности лингвистического обучения по материалам, полученным при помощи информационных технологий и с сайтов иностранных языков.

Abstract

This article examines the role of information technology, the use of Internet resources and the benefits of media education in teaching foreign languages. The effectiveness of linguistic training on materials received from information technologies and sites of foreign languages are analyzed.

Калит сўзлар: ахборот коммуникация технологиялари, хорижий тилни ўрганиш, интернет манбалари, медиа таълим, интернет нашрлар, аудио ва видео материаллар, мобил иловалар.

Ключевые слова: информационные и коммуникационные технологии, изучение иностранных языков, интернет-источников, образование СМИ, интернет, публикации, аудио и видео материалов, мобильных приложений.

Keywords: information and communication technology, foreign languages study, internet sources, media education, the internet, publications, audio and video materials, mobile applications.

Ахборот технологиялари тараққиёти таълим соҳасига ҳам жиддий ўзгаришлар киритди. Коммуникация воситалари соҳасидаги глобаллашув ахборот алмашинув жараёнларини тезлаштириб юборди.

“Сўнгги статистик маълумотларга кўра, ўтган 50 йил давомида ахборот узатиш тизимининг фаолияти 300 минг мартаға тезлашган. Янада кўплаб янгиликлар киритиш ва аҳолини тезкор жалб этиш мақсадида интернет нархлари минг маротаба арzonлашган”(1).

Ахборот технологиялари бугун нафақат ўқитишдаги илғор замонавий инновацион усулларнинг юзага келиши ва ривожланишига, балки машғулотларнинг турли технологиялар орқали янгича шаклларда ташкил этилишидан тортиб, дарслар давомида ҳамда дарсдан ташқари таълим олишда билим олувчиларга тақдим этиладиган материаллар сифатининг ўзгариши, турларининг қўпайиши, уларни узатиш ва қабул қилишнинг янгича кўринишларини ҳам юзага келтирди.

Шунинг баробарида ахборот технологиялари соҳасидаги янгиланишлар чет тилларни ўрганиш бўйича ҳам турли дастурий имкониятларни яратмоқда. Ҳозирги кунда уяли телефон дастурлари, компьютер технологиялари ёрдамида ҳам муайян даражада чет тилини билиш қўникмаларини ўзида шакллантириш имконияти мавжуд. Жумладан, уяли телефонларда турли мобил иловалар орқали хорижий тилларни турли даражада билувчилар учун тест топшириқларидан тортиб, луғат бойлигини ошириш, матнлар устида ишлаш, чет тилидаги диалог ва матнларни тинглаш қобилиятини ривожлантириш имконияти мавжуд. Ҳатто сўзлашиш қўникмаларни шакллантириш бўйича кўплаб дастурларни юклаб олиш, кундалик ҳаётда улардан исталган вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, чет тили дарсларида хорижий тилни ўрганишдаги амалий қўникмаларни шакллантириш бўйича Интернет базасидаги турли материалларни ишлатса бўлади. Бу борада тилшуносликка оид китоблардан ташқари, интернет ОАВ материалларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Фақат бунда айнан халқаро майдонда тан олинган, рўйхатдан ўтган ОАВ материалларидан фойдаланиш тавсия этилиши зарур. Чунки айни вақтда глобал тармоқ “оммавий маданият” ва ахборот хуружларининг энг қулай воситасига ҳам айланиб бораётганини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Интернет сайтларидағи материаллар тил ўрганишда айнан ҳозирги даврда қўлланилаётган лисоний воситаларнинг амалда қўлланишига яхши мисол бўла олади. Жумладан:

- Интернет нашрлар сўз бойлиги ва ёзма тил қўникмаларни ривожлантириш борасида яхши манба бўла олади.
- Интернет сайтларидағи аудиоматериаллардан ўқувчиларнинг тинглаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида фойдаланиш мумкин.
- Интернетдаги видео маҳсулотлар энг замонавий ва янги маълумотлар, тил бойликлари билан бойитилган ҳаётий ахборот материали бўла олади.

Чет тилини ўқитишида ахборот технологиялари воситаларидан, айниқса, Интернетдан фойдаланиб, тил ўргатишида жуда кенг имкониятлар мавжуд. Чунки Интернет энг сўнгги ахборотни ўзида жамлаш баробарида, унда амалиётда фойдаланилаётган энг сўнгги тил қатламлари ҳам мавжуд бўлади. Бу эса дарсларнинг янада жонли ва самарали ўтилишига таъсир этмай қолмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, сўнгги вақтларда медиа таълим соҳаси тобора ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳа бир томондан дарс жараёнларида технологияларни фаол қўллашни назарда тутса, бошқа бир нуқтаи назардан медиа воситаларининг кишилар билим олишидаги қучли таъсирини тадқиқ этади. Соҳанинг ҳар икки жиҳати ҳам ёшларга хорижий тилларни ўргатишида яхши самара беради.

Медиа таълим ҳозирги ахборот асрида шахснинг бевосита турли медиа технологиялар, хусусан, оммавий ахборот воситалари, кино санъати, интернет ва мобил технологиялар орқали билим ва ахборот олиш, улар орқали маънавий ривожланиб боришини англаради. Бугунги минглаб ахборот узатувчи воситалар ва каналлар қуршовида яшаётган инсон учун ахборот худди нон ва сувдек кундалик эҳтиёжга айланиб улгурган. Бундай вазиятда эса барча ёшдаги кишилар учун медиа таълимнинг аҳамияти нечоғлик юқори эканини сезиш қийин эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, медиа таълим тушунчаси турли илмий манбаларда ва соҳаларда турлича талқин этиб келинади. Жумладан, педагогика соҳасида у орқали кўпроқ таълим жараёнида медиа технологиялари, медиа маҳсулотларини қўллаш ва ўқувчиларни шу йўл билан билимини ошириш, айни вақтда таълим самарадорлигига эришиш билан бирга уларда медиа технологияларидан фойдаланиш кўникмаларни ҳам шакллантириб боришни кўзда тутилади.

Бевосита медиа таълим масалаларига дахлдор маълумотларни бериб борадиган Канадалик мутахассисларнинг “medialiteracyweek” сайтида медиа таълимга қўйидагича таъриф берилган:

“Медиа таълим ОАВ хабарлари ва маҳсулотларининг табиати, техникаси ва таъсирини танқидий англаш имконини берадиган шахсларнинг медиа саводхонлигини ошириш жараёнидир”(2).

Албатта, таълимдаги бундай янгиланишлар ёш авлод интернет тармоғининг асосий ва энг фаол фойдаланувчиси ҳисобланган бугунги кун учун ниҳоятда муҳимдир.

“Интернет шуниси билан ўзига жалб қиласиди, фойдаланувчи унинг ёрдамида ўз маълумоти даражасини ошириш мақсадида исталган ахборотни олиши мумкин”(3).

Медиа таълимни тараққий эттиришнинг зарурлиги мазкур соҳанинг ёшларнинг чет тилларини ўрганишида ижобий самаралар бера олишида ҳам яққол намоён бўлади.

Бугунги авлод билим ва дунёқарашни ўстиришда китоблар мутолааси билан бирга, ижтимоий тармоқлар, мессенжерларнинг “ботлари”, мобил иловалар орқали узатиладиган маълумотлар, янгиликлар, электрон шаклдаги китоблар, суратлар, видео ва анимацияли ахборот материалларидан кўпроқ фойдаланмоқда.

Чет тилидан дарс машғулотларига мазкур манбалардан олинган материалларини жорий қилиш ёшларда интернет маълумотларидан тўғри ва оқилона мақсадларда фойдаланишни шакллантиради. Чунки ўқитувчи дарс машғулоти чоғида муайян хоржий тилдаги интернет материалини тил ўрганувчиларга тақдим қиласр экан, унинг қайси сайтдан олганини эслатади. Тил ўрганишда қайси манбалар фойдали эканлиги бўйича муайян кўрсатмалар бериб боради.

Интернет сайтларида бир мавзу ёки рўй берган воқеа юзасидан матнли, аудио ёки видео маҳсулотни топиш мумкинлиги эса тил ўргатиш жараёнларини янада қизиқарли қиласр. Мавзу бўйича сўз бойликларини турли шаклдаги ахборот материаллари орқали шакллантиришларига туртки бўлади. Матнли маҳсулотлар ва видео маҳсулотларида қўлланган лексик бойлик ва синоним сўзларни қиёсий ўрганиш имконияти ҳам туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, чет тилларини ўрганиш ҳозирги ахборот асрининг долзарб вазифаларидан экан, ўсиб келайтган ёш авлодга тил ўрганишнинг самарали усусларини кўрсатиш ва жадал ўргатиш усусларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада расмий интернет манбалари материалларидан фойдаланиш, жаҳон мамлакатлари тажрибасида медиа таълимнинг илғор усусларини ўрганиш ва таълим жараёнларига уларни татбиқ этиш таълим жараёнларининг қизиқарли бўлиши ва яхши натижаларга эришишда муҳим омил бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тожиев Д. Ўргимчак тўри // www.uchildiz.uz. 29.04.2016
2. www.medialiteracyweek.ca.
3. Мухамедов А. Интернетга қарамлик одатининг олдини олиш // www.uzinfocom.uz. 30.04.2014